



## ҚЎРИҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ШАРТНОМА АСОСИДА АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

**Саидов Баходирхўжа Носирхўжаевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

bahodirxujasaidov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19218042>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 21-mart 2026 yil

Ma'qullandi: 23-mart 2026 yil

Nashr qilindi: 25- mart 2026 yil

### KEY WORDS

қўриқлаш фаолияти, шартнома асосида қўриқлаш, ҳуқуқий ҳолат, ҳуқуқий мақом, шартномавий муносабат, қўриқлаш субъекти, Миллий гвардия, буюртмачи, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, қўриқлаш хизмати.

### ABSTRACT

Мазкур тезисда қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотда шартнома асосида қўриқлаш хизматини кўрсатувчи субъектларнинг тизими, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, шартномавий жавобгарлиги ҳамда уларнинг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, қўриқлаш фаолияти соҳасида шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш ва субъектларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича назарий ҳулосалар илгари сурилган.

Ҳозирги шароитда қўриқлаш фаолияти нафақат жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғини, балки юридик шахслар мол-мулки, объектлари ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситасига айланиб бормоқда. Иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши, мулк шаклларининг хилма-хиллашуви, стратегик ва тоифаланган объектлар сонининг ортиши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мураккаблашуви қўриқлаш соҳасидаги муносабатларни аниқ ва тизимли тартибга солишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг умумий тизимини белгилаб бериш билан бирга, айрим субъектларнинг қўриқлаш фаолиятини айнан шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқини ҳам аниқ кўрсатиб ўтади. Бу эса мазкур соҳада шартномавий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг мустақил тадқиқот объекти эканини англатади. Чунки шартнома асосида кўрсатиладиган қўриқлаш хизмати, бир томондан, давлат хавфсизлиги ва жамоат тартиби билан боғлиқ оммавий манфаатларга дахл қилса, иккинчи томондан, тарафларнинг ихтиёрий келишувига,

ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга ва мулкӣ жавобгарликка асосланган хусусий-ҳуқуқий муносабат сифатида намоён бўлади.

Шу боис кўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилиш фақат соҳавий қонунчилик нуқтаи назаридан эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи назарияси нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, шартнома асосида кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун<sup>1</sup> (Кейинги ўринларда Қонун деб юритилади)нинг 13-моддасига кўра, кўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги киради. Қонун ушбу субъектларнинг ҳар бири учун шартнома асосида кўриқлаш хизматини кўрсатиш доирасини ҳам аниқ белгилаб берган. Бу ерда эътиборли жиҳат шундаки, қонун шартнома асосида кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини барча кўриқлаш субъектларига эмас, балки фақат махсус ваколатли давлат субъектларига берган. Демак, кўриқлаш хизматлари бозорида эркин хусусий фаолият модели эмас, балки давлат томонидан белгиланган чекланган субъектлар доираси амал қилади. Бу ҳолат мазкур муносабатларнинг оддий фуқаролик-ҳуқуқий хизмат кўрсатиш муносабатларидан фарқ қилишини, яъни уларда оммавий тартиб ва хавфсизлик манфаатлари устувор аҳамият касб этишини кўрсатади.

Шу билан бирга, мазкур субъектлар шартнома асосида ҳаракат қилганда, улар давлат ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи орган сифатида эмас, балки муайян хизматни кўрсатиш мажбуриятини олган шартнома тарафи сифатида майдонга чиқади. Бу эса уларнинг ҳуқуқий ҳолатини икки қиррали табиатга эга субъект сифатида баҳолаш имконини беради. Бир томондан, улар махсус ҳуқуқий мақомга эга давлат тузилмалари ҳисобланади; иккинчи томондан эса, шартнома тузилган пайтдан бошлаб, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатида тенглик, ихтиёрийлик ва шартномавий мажбуриятларни бажариш тамойиллари асосида ҳаракат қилади.

Шунинг учун ҳам биз Кўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқ субъекти, жумладан фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишини тадқиқ этишдан аввал, умуман ҳуқуқ субъектлиги ва шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқининг субъектлиги нима, деган масалага тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки бу масала бўйича ҳуқуқшунос олимлар орасида маълум мунозаралар бўлиб, умумий ҳуқуқ назариясига доир адабиётда ва “ҳуқуқ субъектлиги” тушунчасини тадқиқ этишда турли фикрлар мавжуд. Масалан, шундай олимларнинг бир гуруҳи “ҳуқуқ субъектлиги” (правосубъектность) тушунчасини “ҳуқуқий лаёқат” ва “муомала лаёқати” категориялари билан бирлаштириб, “шахснинг ҳуқуқ субъектлиги унинг таркибий

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида” 15.06.2022 йилдаги ЎРҚ-778-сон Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон)

элементлари – “хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан иборат”<sup>2</sup>, деб фикр билдирсалар, С. С. Алексеев, хуқуқий лаёқатга хуқуқ субъектлиги маъносида қараб, “хуқуқ субъекти” (субъект права) ва “хуқуқ субъектлиги” (правосубъектность) категориялари бир-бирига мос келади, чунки хуқуқ субъектлиги ўзининг табиати бўйича шахсдан ажралмайдиган хусусият<sup>3</sup>, деб юқорида номи келтирилган О. А. Красавчиковнинг фикрига қўшилади. Хуқуқ лаёқатининг ўзи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, хуқуқшунос М. А. Акаеванинг фикрича, “хуқуқий лаёқатлилик – бу хуқуқ ва бурчларга субъект бўлиш хуқуқидир”<sup>4</sup>.

Е. А. Флейщицнинг фикрича, хуқуқ субъектлиги хуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсни тан олиш демакдир, лекин бунинг учун барча хуқуқ соҳаларида хуқуқий лаёқатга эга бўлиш зарур эмас, хуқуқий лаёқат фуқаровий-хуқуқий муносабатлар учунгина керак. Фуқаролик билан боғлиқ бўлмаган хуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар, бу мажбуриятларни уларга эга бўлишни хоҳлагани учун эмас, балки қонуний ёки бошқа асослар туфайли олади, яъни хуқуқ субъектлигини хуқуқий лаёқат билан боғлаш шарт эмас<sup>5</sup>.

Т. Ш. Қаллибековнинг фикрича, шахс хуқуқий лаёқат билан фуқаролик хуқуқида субъект бўлиши мумкин, лекин айрим бошқа хуқуқ соҳалари (меҳнат, жиноят, оила ва ҳ.к.)да муомала лаёқатига эга бўлмасдан субъект бўлмаслик ҳоллари учрайди. Шунинг учун ҳам, “хуқуқ субъектлиги” тушун- часи хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан иборат бўлиши зарур<sup>6</sup>. Муаллифлар томонидан хуқуқ субъектлиги тушунчасининг мазмунини очиб беришга доир келтирилган ёндашувлар назарий жиҳатдан муҳим бўлса-да, улар ўртасидаги тафовут хуқуқ субъектлиги категориясининг ҳанузга қадар ягона ва мутлақ ечимга эга бўлмаган мураккаб хуқуқий ҳодиса эканини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, мазкур масалага оид адабиётларда хуқуқ субъектлиги баъзан хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатининг йиғиндиси сифатида, баъзан эса хуқуқ субъектининг ўзига хос юридик хусусияти сифатида талқин этилади. Бироқ ушбу ёндашувларнинг ҳар бири муайян жиҳатдан асосли бўлишига қарамасдан, уларни мутлақлаштириш илмий жиҳатдан тўлиқ тўғри бўлмайди.

Аввало, хуқуқ субъектлигини фақат хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатининг оддий йиғиндиси сифатида тушуниш муайян даражада чекланган ёндашувдир. Чунки бундай талқин хуқуқ субъектлигининг институционал ва тармоқлараро моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Хуқуқ субъектлиги фақатгина шахснинг хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ёки уларни мустақил амалга ошириш қобилятидан иборат эмас, балки муайян хуқуқий тартиб ичида хуқуқ эгаси сифатида тан олинишини ҳам англатади. Шу маънода, хуқуқ субъектлигида нафақат “лаёқат”, балки давлат томонидан тан олинган

<sup>2</sup>Красавчиков О. А. Возмещение вреда, причиненного источником повышенной опасности. – М., 1966. – С. 69; Ерошенко А. Проблемы гражданского состояния в раз- витом социалистическом обществе. – Краснодар, 1980

<sup>3</sup>Алексеев С. С. Общая теория права. Т. 2. – М., 1982. – С. 139

<sup>4</sup>Акаева М. А. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилишнинг хуқуқий муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т., 2000. – Б. 17.

<sup>5</sup>Флейщиц Е. А. Соотношение правосубъектности и субъективных прав // Во- просы общей теории советского права. – М., 1960. – С. 28.

<sup>6</sup>Қаллибеков Т. Ш. Деҳқон хўжалигининг фуқаролик-хуқуқий мақоми: юрид. фанлар номзоди ... дис. – Т., 1997. – Б. 67

ҳуқуқий мақом ҳам мужассам бўлади. Демак, ҳуқуқ субъектлигини ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатининг механик бирикмаси сифатида эмас, балки шахснинг ҳуқуқ тизимидаги юридик мақомини ифодаловчи кенгроқ категория сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

С. С. Алексеев ва О. А. Красавчиковга хос бўлган ҳуқуқ субъектлигини ҳуқуқий лаёқат билан деярли тенглаштирувчи ёндашув ҳам баҳсли кўринади. Албатта, ҳуқуқий лаёқат ҳар қандай субъектликнинг дастлабки ва зарур шarti ҳисобланади. Лекин унинг ўзи ҳуқуқ субъектлигини тўлиқ қамраб олмайди. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида юридик шахс ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган пайдан субъект сифатида тан олинади, бироқ унинг муайян ҳаракатларни амалга ошириши, шартнома тузиши, жавобгар бўлиши каби ҳолатларда фақат лаёқатнинг ўзи етарли эмас, балки унинг ташкилий иродаси, органлари орқали ҳаракат қилиш қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, ҳуқуқ субъектлигини фақат ҳуқуқий лаёқат доирасига сиғдириш унинг амалий-ҳуқуқий мазмунини торайтириб қўяди.

Е. А. Флейшицнинг ҳуқуқ субъектлигини ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсни тан олиш билан боғловчи қараши эса муайян жиҳатдан энг кенг ва назарий жиҳатдан самарали ёндашувлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Чунки бу ерда асосий эътибор шахснинг муайян ҳуқуқ соҳасида субъект сифатида юридик тан олинишига қаратилмоқда. Бироқ бу позицияда ҳам муайян ноаниқлик бор: агар ҳуқуқ субъектлиги фақат “тан олиш” билан чекланса, у ҳолда субъектнинг ўз ҳуқуқларини мустақил амалга ошириш имконияти, ўз ҳаракати билан ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариш қобилияти ва жавобгарлик кўлами каби муҳим жиҳатлар соя остида қолади. Ваҳоланки, айниқса фуқаролик ҳуқуқида субъект фақат ҳуқуқ эгаси сифатида эмас, балки ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи фаол иштирокчи сифатида ҳам қаралади.

Т. Ш. Қаллибековнинг ҳуқуқ субъектлиги ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан иборат бўлиши лозим, деган фикри эса тармоқлараро таҳлил нуқтаи назаридан анча асосли туюлади. Чунки ҳақиқатан ҳам барча ҳуқуқ соҳаларида субъект бўлиш учун бир хил талаб қўйилмайди. Масалан, фуқаролик ҳуқуқида шахс туғилган пайдан ҳуқуқий лаёқатга эга бўлса, меҳнат ёки оила ҳуқуқида муайян ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш учун қўшимча равишда муомала лаёқати ёки муайян ёшга етганлик талаб қилинади. Лекин бу ерда ҳам ҳуқуқ субъектлигини фақат икки унсур — ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан ташкил топган қатъий конструкция сифатида қараш етарли эмас. Чунки айрим ҳолларда деликт лаёқати, махсус соҳавий лаёқат ёки ваколатлилик каби қўшимча элементлар ҳам субъектнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Шу боис, фикримизча, ҳуқуқ субъектлигига нисбатан энг тўғри ёндашув — уни комплекс ҳуқуқий категория сифатида талқин қилишдир. Ушбу категория шахснинг муайян ҳуқуқ тармоғида субъект сифатида тан олиниши, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш қобилияти, уларни мустақил амалга ошириш имконияти ва ҳуқуқий жавобгарликни кўтара олиш салоҳиятининг бирлигини англатади. Айниқса, фуқаролик ҳуқуқида бу масала янада долзарб, чунки фуқаролик муомаласида иштирок этувчи субъектларнинг мақоми фақат ҳуқуқий лаёқат ёки муомала лаёқати билан эмас, балки

мулкый мустақиллик, ташкилий алоҳидалик ва юридик иродани ифода этиш қобилияти билан ҳам белгиланади.

Бу нуқтаи назардан, қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилишда ҳам умумий ҳуқуқ субъектлиги назариясини механик қўллаш тўғри эмас. Чунки бундай субъектлар бир вақтнинг ўзида ҳам махсус оммавий-ҳуқуқий ваколатларга эга, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тенг иштирок этувчи субъектлардир. Демак, уларнинг ҳуқуқ субъектлиги фақат ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати орқали эмас, балки махсус ҳуқуқий мақом, шартномавий ваколат, соҳавий компетенция ва мулкый жавобгарлик орқали ҳам белгиланади.

Шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳуқуқий ҳолатининг оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий хусусияти таъкидлаш лозим. Шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини тўғри англаш учун уларнинг дуал, яъни аралаш ҳуқуқий табиатини эътироф этиш лозим. Чунки мазкур субъектлар оддий тижоратчи ёки хусусий хизмат кўрсатувчи эмас. Улар давлат томонидан ташкил этилган, ваколатлари махсус қонун билан белгилаб қўйилган, қатор ҳолларда хизмат қуроли, махсус воситалар ва мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган субъектлардир. Бу эса уларнинг оммавий-ҳуқуқий мақомини белгилайди.

Бироқ шартнома асосида қўриқлаш хизмати кўрсатиш муносабатларида мазкур субъектлар муайян объектни, мол-мулкни ёки шахсни қўриқлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади, буюртмачи эса ушбу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини қабул қилади. Бундай муносабатнинг ҳуқуқий асоси икки томонлама келишув, яъни шартномадир. Шартнома мавжуд бўлган жойда эса фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, хусусан мажбуриятларни бажариш, шартномани лозим даражада ижро этиш, зарарни қоплаш, жавобгарлик ва тарафлар манфаатлари мувозанати ҳақидаги қоидалар амал қилади. Демак, қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати оммавий-ҳуқуқий ваколат ва хусусий-ҳуқуқий мажбуриятнинг уйғунлашуви билан характерланади. Бу уйғунликни ҳисобга олмасдан туриб, мазкур субъектларнинг ҳуқуқий табиатини тўлиқ очиб бериш мумкин эмас.

Қўриқлаш хизматини кўрсатувчи субъектларнинг ҳуқуқлари сифатида айрим нормаларни кўриш мумкин. Қонуннинг 15-моддаси<sup>7</sup> қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқларини белгилайди. Улар ўз ваколатлари доирасида қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, қўриқланадиган объект ҳудудида қонунчиликка риоя этилишини талаб қилиш, зарур ахборотни олиш, радиоалоқадан фойдаланиш, буюртмачидан ҳужжатлар ва ахборот талаб қилиш, шунингдек қўриқланадиган объектни кўздан кечириш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқлар шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг ҳуқуқий ҳолатида марказий ўрин тутади. Чунки қўриқлаш хизмати сифатли ва самарали кўрсатилиши учун ижрочи субъект қўриқланадиган объектнинг хусусиятлари, техник жиҳозланиши, кириш-чиқиш режими, ички тартиб қоидалари ва

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” 15.06.2022 йилдаги ЎРҚ-778-сон Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон)

хавф даражаси ҳақида етарли маълумотга эга бўлиши лозим. Шу маънода, унинг ахборот талаб қилиш ҳуқуқи фақат процессуал ёрдамчи ҳуқуқ эмас, балки шартномавий мажбуриятни лозим даражада бажаришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бошқа томондан, ушбу ҳуқуқлар мутлақ характерга эга эмас. Улар қонун, шартнома ва буюртмачининг қонуний манфаатлари билан чегараланган. Масалан, қўриқлаш субъекти объектни кўздан кечириш ёки ахборот талаб қилиш ҳуқуқини фақат қўриқлаш хизматини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмда ва мақсадда рўёбга чиқариши мумкин. Шу боис мазкур субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатида ҳуқуқнинг мавжудлиги билан бир қаторда, уни амалга ошириш доираси ва чегаралари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қўриқлаш хизматини кўрсатувчи субъектларнинг мажбуриятлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин: Қонуннинг 16-моддаси<sup>8</sup>да қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг асосий мажбуриятлари белгилаб берилган. Улар қўриқланадиган объектларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаши, объект фаолиятини издан чиқаришга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олиши, назорат-ўтказиш режимини ташкил қилиши, объектнинг ички режимга риоя этилишини назорат қилиши, замонавий техник воситалар ва тизимларни жорий этиши, жамоат тартибини сақлаши ва қонун билан қўриқланадиган сирни ошкор қилмаслиги шарт. Ушбу мажбуриятлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг ҳуқуқий ҳолати, аввало, фаол ва профессионал хизмат кўрсатувчи субъект мақоми билан белгиланади. Унинг вазифаси фақат ташқи қўриқлашни амалга ошириш эмас, балки объект хавфсизлигининг умумий ҳуқуқий

ва ташкилий режимини таъминлашдан иборат. Бу ерда шартнома мазмуни ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки айнан шартномада қайси объект қўриқланиши, қўриқлаш усули, хизмат ҳажми, техник воситалардан фойдаланиш тартиби, назорат-ўтказиш режими ва махсус шартлар белгилаб қўйилади. Айниқса, махфийликни сақлаш мажбурияти мазкур субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатида алоҳида ўрин тутаяди. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъект хизматни бажариш жараёнида объектнинг жойлашуви, техник муҳофаза воситалари, ички режими, мол-мулки, ташкилий тузилиши ва бошқа махфий маълумотлардан хабардор бўлади. Шунинг учун бу мажбуриятнинг бузилиши нафақат шартномавий интизом бузилиши, балки жиддий ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи қоидабузарлик сифатида баҳоланиши лозим.

Шартномавий жавобгарлик масаласини ҳам таҳлил этиш ўринлидир: Қонуннинг 17-моддаси<sup>9</sup>га мувофиқ, қўриқлаш хизматларини кўрсатишга доир шартномага биноан қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида қўриқланадиган объектга етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт. Зарарнинг ўрнини қоплаш миқдори ва шартлари эса икки томонлама шартномада белгиланади. Мазкур қоидадан икки муҳим хулоса келиб чиқади. Биринчидан, шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” 15.06.2022 йилдаги ЎРҚ-778-сон Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон)

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” 15.06.2022 йилдаги ЎРҚ-778-сон Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон)

субъектлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ташувчиси ҳисобланади. Иккинчидан, уларнинг жавобгарлиги диспозитив ва императив элементларни бир вақтнинг ўзида мужассам этади: зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти қонун билан белгиланган бўлса, унинг аниқ миқдори ва шартлари тарафлар келишуви билан ойдинлаштирилади. Бу ерда қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг ҳуқуқий ҳолати оддий ижрочи мақомидан юқорироқ эканини кўриш мумкин. Чунки у нафақат хизмат кўрсатувчи, балки қўриқланадиган объектнинг дахлсизлиги учун маълум ҳажмда мулкӣ жавобгарликни ўз зиммасига олувчи субъект ҳамдир. Шу маънода, мазкур субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатида жавобгарлик элементи марказий ўрин тутаети. Бироқ амалиётда жавобгарликни белгилашда бир қатор муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, зарар қўриқлаш субъектининг айби билан эмас, балки буюртмачининг ички режимга риоя қилмаганлиги, техник носозлик ҳақида хабардор этмаганлиги ёки учинчи шахснинг фавқулодда тажовузи натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин. Шу сабабли шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини баҳолашда айб, сабабий боғланиш, шартномадаги махсус шартлар ва хавфларни тақсимлаш каби масалалар ҳам албатта ҳисобга олиниши керак.

Буюртмачи билан муносабатларда ҳуқуқий мақом борасида ҳам таҳлил этиш ўринлидир. Шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг буюртмачи билан муносабати орқали янада равшанлашади. Буюртмачи қўриқлаш хизматини қабул қилувчи ва ҳақ тўловчи тараф бўлса, қўриқлаш субъекти ижрочи сифатида намоён бўлади. Бироқ бу муносабатда ижрочи тўлиқ қарам ёки хусусий хизматчи эмас. У қонун билан берилган махсус ваколатларга эга бўлган, ички тартиб ва хавфсизлик талабларини белгилашда фаол иштирок этувчи субъектдир. Шу маънода, буюртмачи ва қўриқлаш субъекти ўртасидаги муносабатлар формал тенгликка асосланган бўлса-да, функционал жиҳатдан ижрочи субъектнинг махсус касбий устунлиги мавжуд. У объектни баҳолаш, қўриқлаш усулини танлаш, техник воситаларни жорий этиш, назорат-ўтказиш режими бўйича таклифлар бериш ва хавфсизлик чораларини белгилашда муайян даражада ташаббускор субъект бўлиб қолади. Бу эса унинг ҳуқуқий ҳолатини оддий “хизмат кўрсатувчи тараф” тушунчасидан кенгроқ мазмунда талқин қилишни талаб этади. Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий категория ҳисобланади. Ушбу субъектлар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат томонидан махсус ваколат берилган оммавий-ҳуқуқий субъект, ҳам муайян хизматни ҳақ эвазига кўрсатувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатида намоён бўлади. Уларнинг ҳуқуқий мақоми айнан шу икки асос — оммавий ваколат ва хусусий мажбурият — уйғунлиги орқали тавсифланади.

“Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун ушбу субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ваколат доирасини, шартнома асосида хизмат кўрсатиш ҳуқуқини ҳамда жавобгарлик асосларини белгилаб берган. Бироқ мазкур нормаларни фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан чуқурлаштириб талқин қилиш шуни кўрсатадики, шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳуқуқий ҳолатининг асосий мазмуни қуйидаги элементлардан ташкил топади: махсус ҳуқуқий ваколат, шартномавий мажбурият, профессионал функция, ахборот ва техник ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, махфийликни сақлаш мажбурияти ва зарар учун мулкӣ

жавобгарлик. Шу боис мазкур субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини янада такомиллаштириш учун, аввало, шартнома мазмунида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, жавобгарлик чегараларини батафсил белгилаш, объект хавфсизлигини таъминлашда буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги хавфлар тақсимотини аниқ ифода этиш, шунингдек намунавий шартномаларда техник ва ташкилий шартларни батафсил ёритиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мустаҳкам ва самарали ҳуқуқий механизмга айланади.

Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур субъектлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлган иштирокчилар ҳисобланади. Улар, бир томондан, давлат томонидан махсус ваколат берилган ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган функцияларни амалга оширувчи субъектлар сифатида оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлса, иккинчи томондан, қўриқлаш хизматларини шартнома асосида кўрсатиш орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида намоён бўлади.

Шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, шартномавий жавобгарлиги ҳамда қўриқланадиган объектларни муҳофаза қилишга доир профессионал функциялари билан белгиланади. Бунда мазкур субъектлар фақат хизмат кўрсатувчи ташкилот сифатида эмас, балки қўриқланадиган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ваколат ва масъулиятга эга бўлган ҳуқуқий институт сифатида ҳам намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан, қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати оммавий-ҳуқуқий ваколатлар ва хусусий-ҳуқуқий шартномавий муносабатларнинг уйғунлашуви билан тавсифланади. Бу ҳолат мазкур субъектларнинг ҳуқуқий мақомини фуқаролик ҳуқуқи назариясида алоҳида таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади. Демак, қўриқлаш фаолияти соҳасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, жавобгарлик чегараларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мазкур институтнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатига қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этиш мумкин: Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати — бу қонунчилик ва шартнома нормалари билан белгиланган, қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган хизматларни кўрсатиш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари ва жавобгарлигини ифодаловчи, оммавий-ҳуқуқий ваколатлар ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатлар уйғунлигига асосланган ҳуқуқий мақомдир.